

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА НИЛУФАР НАБИЖОНОВА

**ТУҒРУҚДА МАССИВ ҚОН КЕТГАН АЁЛЛАРНИНГ ҲАЁТ
СИФАТИНИ ОШИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Каримова Нилуфар Набижонова

Туғруқда массив қон кетган аёлларнинг ҳаёт сифатини
оширишга замонавий ёндашувлар..... 3

Каримова Нилуфар Набижонова

Современные подходы к улучшению качества жизни
женщин, перенесших массивную кровопотерю в родах..... 27

Karimova Nilufar Nabijonovna

Modern approaches to improving the quality of life of
women who suffered massive blood loss during childbirth..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАРИМОВА НИЛУФАР НАБИЖОНОВА

**ТУҒРУҚДА МАССИВ ҚОН КЕТГАН АЁЛЛАРНИНГ ҲАЁТ
СИФАТИНИ ОШИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Tib324 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аюпова Фариди Мирзаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Дильфуза Абдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ниязметов Рахматулла Эрматович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



А.В. Алимов


Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги йилларда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг барчасида ҳомиладорлик асоратлари, жумладан, акушерлик қон кетиши ҳолатлари тобора ортиб бормоқда. Касалликнинг кечиши ҳомиладорлар ҳаёт сифатининг пасайиши ва ўлим ҳолатининг ортиши билан фарқланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, «...акушерлик қон кетиши аёллар ўлими тизимида 3–4-ўринни эгаллаб келмоқда»¹. Туғруқда массив қон йўқотиш аёллар ўлимига ҳам сабаб бўлмоқда, яъни «... 20–45% гача ҳолатларда ҳомиладорлар ўлимининг сабаби акушерлик қон кетиши билан боғлиқдир»². Ҳомиладорликдаги акушерлик қон кетиши ҳолатлари ва аёллар ўлимининг юқорилиги, ўз навбатида, туғруқда массив қон йўқотган аёлларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган замонавий ёндашувлар ва касалликни бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳомиладорлик вақтида юзага келадиган асоратлар, жумладан, акушерлик қон кетишидан асоратланиш, уни эрта босқичда ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада туғруқда массив қон кетишининг келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, касалликни бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Массив акушерлик қон кетган аёлларда эндотелий дисфункцияси, гемостазиологик, регионар гемодинамика кўрсаткичлари ҳолати, қон кетишининг эрта белгиларини аниқлаш, оналар, болалар касалликлари ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш ҳамда керакли профилактик тадбирларни белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш»³ вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, репродуктив ёшдаги аёлларда туғруқда массив қон йўқотиш хавфини эрта

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботи, 2017.

² Оналар ўлими бўйича махфий тадқиқотлар Миллий қўмитаси, 2017.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

ташхислаш ва даволашга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ–4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламни янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Туғруқда массив қон кетган аёлларнинг ҳаёт сифатини оширишга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, American Academy College of Obstetricians and Gynecologists (АҚШ), American Academy of Family Physicians, School of Public Health, Carolina Population Center, University of North Carolina at Chapel Hill (АҚШ), Department of Obstetrics and Gynecology (Англия), International Federation of Obstetrics and Gynecology (FIGO), University of Oxford (Англия); Ottawa Hospital Research Institute, University of Ottawa, University Laval (Канада); University of New South Wales (Австралия); Universidade Federal do Rio Grande do Sul (Бразилия), Pushpagiri Medical College (Ҳиндистон), Академик В.И.Кулаков номидаги акушерлик, гинекология ва перинатология илмий маркази, Сибир давлат тиббиёт институти (Россия), Бухоро давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда туғруқда қон кетиш билан асоратланиш ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва уларнинг олдини олиш, массив қон кетганда аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириш тадқиқотлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: туғруқдаги қон кетишда шошилиш тадбирлар ва аёллар репродуктив функцияси ҳолатини сақлаш омиллари ишлаб чиқилган (American Academy College of Obstetricians and Gynecologists,

⁴ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: www.acog.org, www.aafp.org, www.jhsph.edu, www.cpc.unc.edu, www.unc.edu, obsgyn.mcmaster.ca, www.figo.org, www.studylab.ru, www.ottawahospital.on.ca, www.uottawa.ca, www.unsw.edu.au, www.fadergs.edu.br, pushpagiri.in, ncagp.ru, www.ssmu.ru, www.bsmi.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

АҚШ); акушерликда қон кетиши билан асоратланганда ўлим кўрсаткичини камайтиришга қаратилган протоколлар ишлаб чиқилган (University of Carolina, АҚШ); акушерлик қон кетишларини патогенетик ташхислаш ва даволашнинг гемостаз жараёнидаги икки фазали ўзгаришларга асосланган замонавий тизими ишлаб чиқилган (Ohio State University, College of Medicine, University of North Carolina, АҚШ); туғруқдан кейинги қон кетишларда ДВС синдроми ривожланиши патогенези плазмадаги D-димер микдорининг ошиши билан асосланган (University of Zimbabwe, Зимбабве); туғруқдан кейинги қон йўқотишда қон ивиш ва гормонал тизим бузилишлари билан боғлиқ асоратлар бачадон ва тухумдонни олиб ташлаш натижасида юзага келиши аниқланган (Pushpagiri Medical College, Ҳиндистон); эрта туғруқ хавфи юқори бўлган ҳомиладорлар коагулопатик бузилишларида АФС синдроми келиб чиқиши аниқланган (Академик И.П. Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети, Россия); туғруқда массив қон кетганда аёлларнинг ҳаёт сифатини ошириш мақсадида гипергомоцистеинемияни гормонал даволашга асосланган замонавий тизим яратилган (Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда учрайдиган массив қон кетиш билан асоратланиш ҳолатларини самарали даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жарроҳлик турига қараб массив акушерлик қон кетган аёлларда эндотелий дисфункцияси, қоннинг гемостазиологик ва реологик хусусиятларини аниқлаш; ҳомиладорликнинг нохуш оқибатларини ташхислашда биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини баҳолаш; қонда биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлар ҳолатидаги ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш; массив акушерлик қон кетган аёлларнинг ҳаёт сифати нейропсихологик ҳолатини баҳоловчи MOS SF-36 сўровномаларини ишлаб чиқиш; жарроҳлик ёки табиий туғруқ йўллари билан туғдириш вақтида массив қон кетиш оқибатида содир бўладиган оналар ўлимини камайтиришни таъминлайдиган даволаш-профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТ маълумотларига кўра, массив қон кетиш муаммосини ҳал қилиш усули ҳали ҳам бачадонни олиб ташлашдир, айниқса, минтақавий туғруқ муассасаларида туғруқдан сўнг қон кетиш натижасида юзага келадиган шошилиш ҳолатларда қон кетишининг олдини олишга қаратилган технологиялар ёрдамида минимал инвазив жарроҳлик усулларида фойдаланиш тажрибасининг йўқлиги, туғруқни олиб боришда йўл қўйилган хатоларни тан олмаслик, аёлнинг ҳолатини кониқарсиз баҳолаш, аёлдан қанча қон кетганлигини тўғри баҳоламаслик ва уни яшириш ҳолатлари массив қон кетишдан оналар ўлими камаймаслиги ва аёллар ҳаёт сифатининг яхшиланмаслигида муҳим роль ўйнайди (Белоусова А.А. ва ҳаммуал., 2019; Козина Ю.Ю., 2018). Ривожланаётган мамлакатларнинг турли даражадаги тиббий муассасалари учун мослаштирилган туғруқдан сўнг қон кетишини ўз вақтида ташхислаш ва тўлиқ ҳажмда даволаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Ресурслари

чекланган (low-resource settings) мамлакатларда бу муаммога алоҳида эътибор қаратилмоқда (Lalonde A. e.a., 2018). Ўзига хос хусусиятларига кўра, акушерлик қон кетишининг тўсатдан юзага келиши ва массивлигини инобатга олиб, она организмнинг компенсатор ва ҳимоя механизмлари тикланишига улгурмаган ҳолатда гемодинамика барқарорлашишини кутмасдан она ва ҳомила ҳаётини сақлаб қолиш учун зудлик билан туғруқни амалга ошириш зарур (Чернуха Е.А., 2012). Лебедева Н.В.нинг (2016) маълумотларига кўра, оналар ўлими сабабларидан 20–25% ташхислаш, акушерлик тактикасида йўл қўйилган хатоликлар оқибатида келиб чиқувчи сабаблардир.

Ўзбекистонда оналар ўлими сабаблари орасида акушерлик қон кетишлари биринчи ўринни эгаллайди. Оналар ўлими критик таҳлилининг 5 йиллик ҳисоботиغا кўра (Нажмитдинова Д.К., Жабборова Ю.К., 2015), Ўзбекистонда 91% аёлларда қон кетиш ҳолатлари кузатилган (25,8% ҳолатда оналар ўлими содир бўлган), аёлларда шошилиш кесарча кесиш жарроҳлик амалиётидан кейин қон кетиш хавфи 72%, режали кесарча кесиш жарроҳлик амалиётида 22% ҳолатларда массив қон кетиши кузатилган. Акушерлик қон кетишидан бирламчи звенода 37% ҳолатда оналар ўлими содир бўлган. Қон компонентларининг кечикиб етказилиши 54% ҳолатда кузатилган. Асоратланган акушерлик анамнези бўлган 57% ҳомиладорлар 3 босқичда даволаниши керак бўлган, лекин уларда туғруқлар ТТБда олиб борилган. ССВнинг кўрсатишича, кўпчилик туғруқ комплексларида йилига 2500 дан зиёд туғруқ кузатилади, аммо тунги пайтда тезкор акушерлик ёрдамидан кўрсатиши мумкин бўлган юқори малакали шифокорларнинг йўқлиги аёлларнинг массив қон кетишидан азият чекиши ва, кейинчалик, ҳаёт сифатининг пасайишига сабаб бўлади.

Туғруқдан кейинги қон кетиши (ТҚК) оналар ўлимининг «катта бешлик» – сепсис, эклампсия, клиник тор чанок ва «хавфли абортдан» иборат сабабларидан бири ҳисобланади. Ушбу тузилмада ТҚК соф шаклда 20–25%, рақобат сабаб сифатида 42% ва фон сифатида 78% гача ҳолатларда учрайди (Серов В.Н., Сухих Г.Т., 2010). Бу ҳолатларнинг таҳлили инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва шошилиш акушерлик хизмати сифатини оширишга асос бўлмоқда (Похомова Ж.Е., 2016; Юсупбаев Р.Б., 2018). Кенг кўламли акушерлик амалиётида массив қон кетишларининг олдини олишга қаратилган рандомизацияланган клиник тадқиқотлар ҳамда клиник таҳлил тавсияларининг йўқлиги, туғруқдан кейинги нохуш оқибатлар ва аёллар ҳаёт сифати пасайишининг кўплиги мазкур патологияни юритишнинг мутаносиб тактикаси ва даволаш усуллари излаб топишни талаб қилади. Сўнгги йиллар давомида оналар касалланиши ва ўлими маҳаллий олимлар томонидан таҳлил қилинганда йилдан-йилга такрорланиб келаётган массив қон кетишларидан асоратланиш устунлик қилиши аниқланган (Султанов С.Н., 2012; Нажмутдинова Д.К., 2014). Маълумотларга кўра, Бухоро вилояти ҳудудида репродуктив йўқотишлар мавжуд аёлларда акушерлик қон кетишининг учраши ҳамда уни самарали ва иқтисодий жиҳатдан қулай ташхислаш усуллари ўрганилмаганлиги аниқланган. Ушбу йўналишда

тадқиқотлар олиб бориш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, беҳатар туғдириш усуллари ишлаб чиқиш аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.2018.DSc.005 рақамли «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» (2011–2014 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади туғруқда массив қон йўқотган аёлларнинг ҳаёт сифатини оширишга замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро вилоятида яшовчи аёлларда массив акушерлик қон кетиши ва унинг ривожланиш сабабларини ретроспектив таҳлил қилиш;

жарроҳлик турига қараб аёлларда регионар гемодинамика, тухумдон структураси ўзгаришлари ва қон айланиши тикланишини аниқлаш;

жарроҳлик турига қараб эндокрин ўзгаришлар ва, бачадон сақланиб қолганда, репродуктив тизим тикланиш даражасини аниқлаш;

жарроҳлик турига қараб массив акушерлик қон кетиши кузатилган аёлларда эндотелий дисфункцияси, қоннинг гемостазиологик ва реологик ҳолати хусусиятларини аниқлаш;

жарроҳлик турига қараб массив акушерлик қон кетиши кузатилган аёлларда уrogenитал тракт ҳолатини аниқлаш;

жарроҳлик аралашуви турига қараб массив акушерлик қон кетиши кузатилган аёлларнинг нейрпсихологик кўрсаткичлари ва ҳаёт сифати ҳолатини MOS SF-36 сўровномаси асосида комплекс баҳолаш;

жарроҳлик турига қараб массив акушерлик қон кетиши кузатилган аёлларни даволаш тактикасини такомиллаштириш ва босқичма-босқич реабилитацияси алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012–2016 йилларда Бухоро шаҳар туғруқ комплексига назоратда бўлган 242 нафар ҳомиладор аёллар касаллик тарихининг ретроспектив таҳлили, 203 нафар туғруқдан кейин массив қон кетиши кузатилган аёллар ва 50 нафар соғлом ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида қон, қон зардоби ва қин суртмаси тадқиқот учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, функционал, ультратовуш, доплерометрик, биокимёвий, иммунофермент, гормонал, микроскопик, тиббий-ижтимоий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор ҳомиладорларда плацента жойлашиш аномалиялари, бачадон атонияси, нормал жойлашган плацентанинг вақтидан олдин ажралиши, йирик ҳомила фонида обструктив туғруқ, оғир даражадаги преэклампсия ва қоғоноқ сувларининг эрта ажралишига боғлиқ массив акушерлик қон кетиши юзага келиши исботланган;

массив акушерлик қон кетиши кузатилган аёлларда тухумдон етишмовчилигининг келиб чиқиши тухумдонлар ҳажмининг катталашуви ва тухумдон артериясида қон айланишининг пасайиши, фолликулалар бўлмаслиги натижасида унинг эхогенлиги ва гормонал кўрсаткичларнинг пасайиши билан пропорционал боғлиқлиги аниқланган;

массив акушерлик қон кетиши кузатилганда гистерэктомия қилинган аёлларда бачадони сақланган аёлларга нисбатан эстерогенлар ва антимюллер гормон миқдори пасайиши, фолликулостимулловчи ва лютеинловчи гипофизар гормонлар миқдорининг ортиши билан боғлиқ эндокрин ўзгаришлар юзага келиши аниқланган;

илк бор ҳомиладорларда эндотелиоцитлар фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ гомоцистеин, эндотелин-1 ва Виллебранд омили кўрсаткичларининг юқори бўлиши туғруқда массив акушерлик қон кетиши юзага келишини башоратчи омиллар эканлиги исботланган;

илк бор туғруқдан сўнг массив қон кетиши кузатилган аёлларда ижтимоий фаоллик ва ҳаёт сифатининг ёмонлашуви репродуктив органнинг олиниши, депрессивликнинг ортиши, жинсий феъл-атворнинг ўзгариши ва хотира қобилиятининг пасайиши билан узвий боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро вилоятида яшовчи аёллар ўртасида массив акушерлик қон кетиши ва унинг ривожланиш сабабларини ретроспектив таҳлил қилиш кўрсаткичлари аниқланган;

жарроҳлик турига қараб регионар гемодинамика, тухумдон структураси ўзгаришлари, қон айланиши, уrogenитал трактнинг ҳолати, эндокрин ўзгаришлар ва бачадони сақланган аёлларда репродуктив тизим тикланиши аниқланган;

жарроҳлик аралашуви турига қараб массив акушерлик қон кетиши кузатилган аёлларнинг нейропсихологик кўрсаткичлари ва ҳаёт сифати ҳолатини баҳолашда MOS SF-36 сўровномаси муҳимлиги илмий асосланган;

жарроҳлик турига қараб массив акушерлик қон кетиши кузатилган аёлларни даволаш тактикаси такомиллаштирилган ва босқичма-босқич реабилитацияси алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, маълумотларга статистик текширув усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туғруқда массив қон йўқотган аёлларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин

яратгани, массив акушерлик қон кетиши кузатилган ва гистерэктомия қилинган аёлларда бачадони сақланган аёлларга нисбатан эстерогенлар ва антимюллер гормони миқдори пасайиши, фолликулостимулловчи ва лютеинловчи гипофизар гормонлар миқдорининг ортиши билан боғлиқ эндокрин ўзгаришлар юзага келиши, эндотелиоцитлар фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ гомоцистеин, эндотелин-1 ва Виллебранд омили кўрсаткичларининг юқори бўлиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жарроҳлик турига қараб регионар гемодинамика, тухумдон структураси ўзгаришлари, қон айланиши, урогенитал тракт ҳолати, эндокрин ўзгаришлар ва бачадони сақланган аёлларда репродуктив тизим тикланиши аниқланганлиги, аёллар нейрпсихологик кўрсаткичлари ва ҳаёт сифати ҳолатини баҳолашда MOS SF-36 сўровномасининг муҳимлиги илмий асосланганлиги, такомиллаштирилган даволаш тактикаси ва босқичма-босқич реабилитацияси алгоритмининг ишлаб чиқилганлиги акушерлик асоратлари сонини камайтириш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туғруқда массив қон кетиши кузатилган аёллар ҳаёт сифатини оширишга қаратилган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Эрта туғруқдан кейинги даврда қон кетишини тўхтатиш ва асоратларни даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/175-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳомиладорларда эрта туғруқдан кейинги қон кетишини тўхтатиш ва кейинги даврда асоратларни эрта аниқлаш, касаллик кечишини башорат қилиш ва уни ўз вақтида даволаш чора-тадбирларини қўллашга хизмат қилган;

«Туғруқда массив қон йўқотишга учраган аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/175-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома туғруқда массив қон йўқотишга учраган аёллар ҳаёт сифатини баҳолаш ва уни яхшилаш йўллари ишлаб чиқиш учун ҳомиладорларда махсус ижтимоий сўровномадан фойдаланишга хизмат қилган;

«Массив акушерлик қон кетишларни жарроҳлик тўхтатиш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-д/175-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳомиладорларда репродуктив органи сақлаб қолиш, массив акушерлик қон йўқотишни камайтириш ва тўхтатиш учун янги инновацион усулларни қўллашга хизмат қилган;

туғруқда массив қон кетиши кузатилган аёлларнинг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Бухоро шаҳар туғруқхонаси ҳамда Бухоро ва Ромитан туман тиббиёт бирлашмалари

амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 7 августдаги 8н-з/101-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар ҳомиладорларда массив акушерлик қон кетишининг олдини олиш, касаллик асоратларини камайтириш ҳисобига оналар ўлими кўрсаткичларини пасайтириш ҳамда уларнинг стационарда даволаниш муддатини қисқартириш билан тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Массив акушерлик қон кетишини бошдан кечирган аёллар ҳолати ҳақида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган бўлиб, мазкур боб олти фаслдан иборат. Бу бобда массив акушерлик қон кетиши бўйича тадқиқотлар тизимлаштирилган, унинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва мавжуд диагностика, даволаш ва профилактика усуллари афзалликлари ва камчиликлари чуқур таҳлил қилинган, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаганлиги ва аниқлаштирилиши кераклиги келтирилган.

Диссертациянинг «**Туғруқдан сўнг қон кетган аёлларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланган материал ва усуллар ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Тадқиқот Бухоро давлат тиббиёт институтининг Акушерлик ва гинекология кафедрасида Бухоро шаҳар шифохонаси ва вилоят перинатал маркази базаларида олиб борилди.

Тадқиқотлар икки босқичда ўтказилди: биринчи босқичда Бухоро шаҳридаги туғруқхона комплекси архивида мавжуд ҳомиладор аёлларнинг 2012–2016 йиллардаги 242 касаллик тарихлари бўйича ретроспектив таҳлил ўтказилди. Шу билан бирга соматик, акушерлик ва гинекологик анамнез, соматик касалликларнинг мавжудлиги, уларнинг давомийлиги ва оғирлиги, ҳомиладорлик, туғруқнинг бориши ва асоратлари, ушбу гуруҳдаги беморларда қон кетишининг ҳар хил турлари бўйича маълумотлар баҳоланди. МАҚ ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш ва ажратиш ва турли хил жарроҳлик йўллари билан даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ретроспектив таҳлил ўтказилди.

Иккинчи босқичда туғруқдан сўнг қон кетган 203 нафар аёлда клиник, лаборатор, гематологик, биокимёвий, микроскопик, гормонал, тиббий ва ижтимоий текширув усуллари ўтказилди. Барча текширилган аёллар Ўзбекистон Республикасининг Бухоро вилоятида доимий яшайдилар. 253 нафар беморни текшириш натижалари диссертация ишига киритилди. 1-гуруҳ асосий гуруҳ бўлиб, 109 нафар аёлдан ташкил топган. Уларда массив қон кетишини тўхтатиш учун ГЭ – гистерэктомия операцияси ўтказилган, шулардан тухумдони сақлаб қолинган аёллар 59 (44,5%) нафарни ва тухумдони бачадони билан бирга олиб ташланганлар – 55 (50,4%) нафарни ташкил қилади. 2-гуруҳ таққослаш гуруҳи бўлиб, 94 нафар аёлдан ташкил топган. Бу гуруҳ аёлларида туғруқда массив қон кетганда орган сақловчи жарроҳлик операциялари билан уларнинг бачадони сақланиб қолинган. 3-гуруҳ назорат гуруҳи бўлиб, 50 нафар асоратсиз тукқан аёллардан ташкил топган. Шаҳар туғруқхона базаси ва вилоят перинатал марказида текширилувчи аёллар ҳомиладорлик даврининг кечиши, уларнинг туғруқ тарихлари, уларда олиб борилган клиник лаборатор таҳлил натижалари, массив қон кетганда кўрсатилган биринчи ёрдам ва унинг натижалари, реабилитация даражалари ўрганиб чиқилди. Анамнестик маълумотлар тўпламига шикоятлар, соматик патология, гинекологик касалликлар, жарроҳлик аралашувлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилган. Ҳар бир текширилган бемордан биологик материал тўплаш ва шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун ихтиёрий равишда розилик олинган.

Қон ивиш тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида тромбин вақти тромботестин-витро усули ёрдамида коагуляция охиридаги ўзгаришларни аниқлаш учун ўтказилди. Протромбинни аниқлаш принципи калибрлаш графиги билан ҳисобланади, % (фоиз) билан ифодаланади ва унинг ёрдамида протромбин омилнинг фаоллиги аниқланади. Қисман фаоллаштирилган тромбопластин вақтини аниқлаш (АПТТ ёки АПТТ) гипер- ва гипокоагуляция жараёнини кузатиш учун амалга оширилади. Фибриноген тести қон плазмасида тромбин миқдори ортиб, суюлтирилган цитрат плазмасининг ивиш вақтини аниқлаш орқали фибриноген концентрацияси даражасини аниқлаш мақсадида ишлатилади. «Human Clot Junior» анализатори (Wiesbaden, Germany) ва автоматик гематологик анализаторларда текширишлар олиб борилди. Умумклиник текширувдан ташқари, барча аёллар юқори частотали сенсор (5 МГц) билан жиҳозланган

Алока 5500 (Япония) аппарати ёрдамида ультратовуш ва доплероетрик текширувлардан ўтдилар. Бундан ташқари, текширилувчи аёлларда ФСГ, ЛГ, прогестерон, эстрадиол ва Антимюллер гормони аниқланди. Шу билан биргаликда текширилувчи аёллар қон зардобидаги гомоцистеин, эндотелин-1 ва Виллебранд омили МИЦ Иммунокулус (Москва) реактивларидан фойдаланган ҳолда фермент билан боғлиқ иммуносорбент таҳлилида аниқланди. Таҳлил қилиш учун ферментга боғлиқ иммуносорбент таҳлилининг “сендвич” варианты ишлатилди. Қин ва бачадон канали ажралмаларининг микробиологик таҳлили ўтказилди. Вагинал микрофлора таркиби таҳлили умумқабул қилинган техникага мувофиқ амалга оширилди (Мухамедов И.М. ва бошқалар, 2016). Массив қон кетишининг аёллар соғлиги кўрсаткичларига салбий таъсирини ўрганиш учун 9 блок ва 37 саволдан иборат “Аёллар саломатлиги” сўровномасининг рус тилидаги тасдиқланган версияси – MOS SF-36 (аёлларнинг соғлиги бўйича сўровнома) ишлатилди, қўшимча равишда, беморлар Вейн-САН сўровномаси ёрдамида сўроқ қилинди.

Текширув давомида олинган маълумотларга Pentium-V шахсий компьютерида статистик ишлов функцияларини қўллаган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «**Туғруқдан кейинги қон кетишининг клиник кечиши бўйича ретроспектив ва проспектив таҳлил натижалари**» деб номланган учинчи бобида ретроспектив таҳлил натижаларига кўра туғруқдан кейинги даврда массив қон кетишининг хавф омилларини аниқлаш ва уларда реабилитация тадбирларининг қандай ҳолатда олиб борилганлиги ўрганиб чиқилган. Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, массив акушерлик қон кетишининг асосий сабабларини плацента бирикиши аномалиялари (62%), бачадон атонияси (68,6%), йўлдошнинг муддатидан олдин ажралиши (29%), йирик ҳомила натижасида обструктив туғруқ (28,1%), преэклампсия, коғоноқ сувининг барвақт кетиши (13,3%) ва йўлдош етишмовчилиги (12,8%) ташкил қилган. Ретроспектив текширувларга асосан, массив қон йўқотиш генезисида оғир акушерлик ва гинекологик анамнез қон кетиш хавфини башорат қилишда муҳим ўрин эгаллаши, профилактика чоралари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилмаганлиги ва етарли даражада самарали бўлмаганлиги аниқланган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, туғруқдан сўнг қон кетиши билан асоратланган аёлларнинг туғруқ тарихларида эрта реабилитация чоралари олиб борилмаган ва кейинги реабилитация бўйича тавсиялар берилмаган.

Проспектив олиб борилган текширишлар шунини кўрсатдики, туғруқдан сўнг массив қон кетиш ҳолатлари асоратланмаган акушерлик ва гинекологик анамнезга эга бўлган аёлларда ҳам учраши мумкин экан. Биринчи ва иккинчи гуруҳларда хизматчилар – 21 (19,2%) ва 21 (22,3), ишчилар – 49 (44,9%) ва 43 (45,7%), талабалар – 16 (14,6%) ва 12 (12,7%), уй бекалари – 23 (21,1%) ва 18 (19,1%) нафарни ташкил қилган. Ёндош генитал патологиянинг учраши бўйича биринчи ўринни бачадон ва унинг ортиқларининг сурункали яллиғланиш касалликлари – 81 (33,9%), иккинчи ўринни бактериал вагиноз – 54 (21,3%), учинчи ўринни бачадон патологияси (бачадон бўйни эрозияси) –


53 (20,9%) ташкил этади. Текширилувчи аёлларда ҳомиладорликда энг кўп учрайдиган асоратларни йўлдошнинг олдинда жойлашиши – 50 (25%), гипертензив ҳолатлар – 28 (14%), йўлдошнинг муддатидан олдин ажралиши – 26 (13%) ва ҳомиланинг антенатал ўлими – 22 (11%) ташкил қилади. Туғруқни олиб бориш усули бўйича 160 (80,2%) нафар аёлда кесарча кесиш амалиёти ўтказилган, шулардан 51 (32%) нафарида муддатидан олдин туғруқ содир бўлган ва 40 (19,7%) нафар аёл муддатида туққан.

Асосий гуруҳда гемостаз кўрсаткичлари кўпроқ ҳолатларда (76,9%), протромбин вақтининг 15,0 сониядан ва фибриногеннинг 5,8 г/л (53,8%)дан ошганлиги кузатилди, бунга мос равишда таққослаш гуруҳида бу кўрсаткичлар 19,4% ва 3,2% ни ташкил қилди ($p < 0,001$). Шу билан бирга ТҚК аёллар 75,5 ҳолатларда тромбин вақтининг 18 сонияга камайиши билан ажралиб туришди. Таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 42,8% ни ташкил этди. АПТТ кўрсаткичлари асосий гуруҳдаги аёлларнинг атиги 29,3% да ва таққослаш гуруҳидаги аёлларнинг 75% дан ортиғида нормал чегараларда эди. Кейинчалик қон кетган аёлларда бу кўрсаткич асосий гуруҳда 33,8% га кўпайди, таққослаш гуруҳида эса 36,9% га камайди. МНО кўрсаткичи барча гуруҳларда нормал чегараларда эди. Бизнинг тадқиқотларимизда протромбин вақтининг умумий фаоллиги (асосий гуруҳда $17,46 \pm 0,20$ ва қиёсий гуруҳда $16,52 \pm 0,14$) назорат гуруҳидаги $13,1 \pm 0,25$ га нисбатан ошиши, тромбин вақтининг эса пасайиши қайд этилди. Асосий гуруҳда бу кўрсаткичлар $16,93 \pm 0,2$ ни, қиёсий гуруҳда $17,03 \pm 0,24$ ни ва назорат гуруҳида $18,22 \pm 0,21$ ни ташкил қилган.

Ўтказилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ўткир массив қон йўқотиш генезисида оғир асоратланган акушерлик ва гинекологик анамнезнинг қон кетиш хавфини башорат қилишда аҳамияти катта бўлиб, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилган қон кетишини тўхтатиш учун ёрдам берадиган алгоритмлар етарли даражада самара бермаган. Шунингдек, туғруқдан кейинги қон кетиш ҳаттоки асоратланмаган акушерлик-гинекологик анамнези ва соматик патологияси бўлган аёлларда ҳам пайдо бўлиши мумкинлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Туғруқда массив қон кетган аёлларда баъзи биокимёвий ва гормонал кўрсаткичлардаги ўзгаришлар**» деб номланган тўртинчи бобида туғруқдан сўнг массив қон кетиши кузатилган аёлларда гомоцистеин, эндотелин 1 ва Виллебранд омилининг ўзгариши ва уларнинг гормонал ҳолати ўрганиб чиқилган. Тадқиқотларимизни қон кетгандан кейин 1–4 кун, 3 ой ва 3 йилда ўтказдик (1-расм).

Ўрганилган параметрлар вариацион қаторининг кенг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, биз 2-гуруҳ беморларини акушерлик қон кетишининг генезисига қараб 2 кичик гуруҳга ажратдик: оғир прееклампсия ва нормал жойлашган йўлдошнинг эрта ажралиши (НЖЙЭА) билан асоратланган аёлларни 2А кичик гуруҳига ва оғир анемия ва бошқа соматик касалликлар фониди гипотоник қон кетиш билан асоратланган аёлларни эса 2Б кичик гуруҳига киритдик.



1-расм. Массив қон кетиши кузатилган аёллар қон зардобдаги гомоцистеин даражасининг ўзгариш динамикаси


Ушбу кичик гуруҳлар ичидаги гомоцистеин, эндотелин-1 (ЭТ-1) ва Виллебранд омили (ВО) стандарт кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, умумлаштирилган гуруҳнинг ўртача қийматлари билан солиштирилганда юқори кўрсаткичларни кўрсатди. Натижаларга кўра, 2А кичик гуруҳида гомоцистеин, ЭТ-1 ва ВО кўрсаткичлари 2,24 ($p < 0,01$) соғлом аёлларнинг кўрсаткичларидан мос равишда 1,44 ($p < 0,05$) дан анча юқори бўлиб, 1,38 ($p < 0,05$) марта баландлигини кўрсатди.

2Б кичик гуруҳида эса гомоцистеин даражасининг сезиларли даражада ошиши нормал кўрсаткичларга нисбатан 1,87 ($p < 0,01$) мартага кўпайган, аммо 2А гуруҳидаги аёллар кўрсаткичларига нисбатан бу кўрсаткичлар 1,19 баравар камайганлиги қайд этилган. ЭТ-1 кўрсаткичларининг 2,86 ($p < 0,001$) ва 4,13 ($p < 0,001$) марта кескин пасайиши алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бу 2А гуруҳнинг кўрсаткичларига нисбатан анча пасайган ҳисобланади.

Репродуктив органи олиб ташланган аёллар гуруҳида эндотелиал дисфункция кўрсаткичлари 2-гуруҳ кўрсаткичларидан фарқ қилади. Шундай қилиб, гомоцистеин даражаси статистик жиҳатдан меъёрий кўрсаткичлардан 2,94 ($p < 0,001$) марта юқорилиги ва фақат 3-гуруҳ беморларининг кўрсаткичларига нисбатан анча ошиб кетганлиги қайд қилинган. Шу билан бирга 1-гуруҳ аёлларида назоратдаги соғлом ва 2-гуруҳ аёллари кўрсаткичларига мос равишда ЭТ-1 кўрсаткичлари 1,95 ($p < 0,01$) ва 1,93 ($p < 0,01$) марта, ВО сезиларли даражада 1,62 ($p < 0,01$) ва 1,56 ($p < 0,01$) марта юқори қийматларни кўрсатган. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, эндотелиал дисфункция кўрсаткичларидаги энг катта ўзгаришлар 1-гуруҳдаги беморларда кузатилган (2-расм).

Шундай қилиб, туғиш пайтида массив қон кетиш билан асоратланган аёлларда гомоцистеин даражасининг кўтарилиши кузатилди. Унинг юқорилиги ҳомиладорлик давридан олдинги асоратларга ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди. Энг катта ўзгаришлар бачадони олиб ташланган беморларда кузатилди. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ЭТ-1 ва ВО кўрсаткичлари ҳомиладорлик ҳолатига қараб ўзгаради, оғир

преэклампсияси бўлган беморларда улар кўпаяди, гипотоник қон кетиши билан улар кескин пасаяди.



2-расм. Қон зардобдаги эндотелин-1 кўрсаткичларининг ўзгаришлар динамикаси


Дарҳақиқат, оғир преэклампсияси бўлган аёлларда, нормал жойлашган плацентанинг вақтидан олдин ажралишида ва репродуктив функциянинг сақланган ҳолатларида ҳам қон плазмасида ГЦ даражаси юқори бўлганлиги қайд этилди: кўрсаткичлар 11 мкмоль/л дан 31 мкмоль/л гача тебранишлар билан кузатилган ва шу гуруҳ аёлларининг 81,8% да юқори кўрсаткичлар қайд қилинган.

Шу билан бирга, массив қон кетиши бўлган беморларда, оғир анемия ва бачадон атонияси кузатилган беморларда бу кўрсаткичнинг 10 мкм/л дан 22 мкмол/л гача ва 66,7% текширилувчиларда нормага нисбатан юқори чегаралардан ошиб кетганлиги аниқланди. Бу нафақат қондаги темир миқдорининг паст даражаси, балки гомоцистеинни метионинга айлантириш орқали зарарсизлантиришда иштирок этадиган фолат ва В12 витаминлари етишмаслигидан келиб чиққан. Ушбу витаминлар гомоцистеиндан метионин синтез қилишда метил гуруҳларининг транспорти учун фаол хизмат қилади.

Гистерэктомия жарроҳлик аралашуви билан асоратланган барча беморларда шошилиш жарроҳлик аралашувини талаб қиладиган преэклампсия, эрта туғилиш ва НЖЙЭАнинг оғир шакллари мавжуд эди. Беморларнинг ушбу гуруҳида қон зардобдаги ГЦ даражасининг тебранишлари 16 мкм/л дан 30 мкмол/л гача бўлган ва беморларнинг 100% да бу кўрсаткичлар стандарт қийматларнинг юқори чегараларидан ошиб кетган, бу эса асоратланган туғруқ ривожланишида гипергомоцистеинемиянинг муҳим ролдан далолат беради.

Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу кўрсаткич оғир преэклампсия билан массив қон кетган ва репродуктив функцияси сақлаб қолинган беморларнинг 27,3% да, аксинча эса, органи олиб ташланган гуруҳдаги аёлларнинг 75% да юқори кўрсаткичлар кузатилган. Шу билан бирга, биз текширилган беморларнинг 66,7 % да оғир анемия туфайли гипотоник қон кетиши бўлган беморлар гуруҳида ЭТ-1 кўрсаткичларининг

жуда пастлигини (нормал чегарадан паст) аниқладик. ЭТ-1 нинг паст қийматлари қон томир деворининг сусайишига, уларнинг вазодилатациясига олиб келади ва, одатда, гипокоагуляция билан асоратланади. Дарҳақиқат, ушбу гуруҳ беморларида, гомоцистеин даражасининг бироз кўтарилганига қарамай, биз стандарт кўрсаткичларга нисбатан ЭТ-1 таркибининг 2,86 марта ва ВОнинг 1,62 марта пасайганлигини кузатдик. 2А гуруҳи беморларида оғир преэклампсия фонидида ривожланган массив қон кетиши билан асоратланган беморларнинг 36,4% да ВО миқдори норманинг юқори чегараларидан ошиб кетганлиги ва қолган ҳолларда улар юқори нормал қийматларда бўлганлиги кузатилган. Шу билан бирга, оғир анемия туфайли гипотоник қон кетиш билан асоратланган беморларнинг 44,7% да ВО кўрсаткичлари нормал чегаралардан анча паст бўлган, қолган ҳолларда эса улар 57–91 мкг/л ни ташкил қилган (3-расм).



3-расм. Массив қон кетган беморларнинг қон зардобиди Виллебранд омилининг ўзгариш динамикаси

Шуни айтиб ўтиш керакки, биз кўриқдан ўтказган 1-гуруҳ бемор аёлларнинг атиги 18,7% да кўрсаткичларнинг меъёрдан юқори чегараларида сақланишини, қолган 81,3% беморда ушбу кўрсаткичлар меъёридан ошиб кетишини кузатдик.

Бизнинг фикримизча, бу аввало аёл организмида муддатидан олдинги туғруқ ва НЖИЭАни келтириб чиқарадиган оғир преэклампсия мавжудлиги билан боғлиқ бўлган. Шундай қилиб, туғруқдан кейинги даврда массив қон кетиши билан асоратланган аёлларда эндотелиоцитларнинг функционал фаоллиги бузилишлари динамикада сақланиб туриши аниқланди.

Улар гомоцистеин, эндотелин-1 ва Виллебранд омилни даражасининг ортиши билан намоён бўлади. Бу қон томир асоратларининг ривожланиш хавфини кўрсатади. Бундай ҳолатлар органи олиб ташланган аёлларда кўпроқ сезилади, бу гормонал бузилишлар туфайли ҳам содир бўлиши

мумкин, чунки бундай аёлларнинг кўпчилигида 3 йилдан сўнг Шихан синдроми ривожланиши кузатилади.

Бизнинг гормонал тадқиқотларимиз ўтказилган операциялардан кейин аёлларда тухумдонлар етишмовчилиги синдромининг ривожланишини тасдиқлади. Уларда қуйидаги гормонал ўзгаришлар аниқланди: асосий гуруҳдаги ўртача ФСГ $13,3 \pm 0,96$ мМЕ/мл, таққослаш гуруҳида $5,5 \pm 0,5$ мМЕ/мл ($p < 0,05$); асосий гуруҳдаги ўртача ЛГ даражаси $12,4 \pm 1,1$ мМЕ/мл, таққослаш гуруҳида бу гормон кўрсаткичи $6,1 \pm 0,84$ мМЕ/мл ($p > 0,05$) ни ташкил қилган. Соғлом аёлларда қабул қилинган меъёрларга мувофиқ ҳайз цикли сақланиб қолган бўлса, фолликуляр фазада Е2 миқдори 30 дан 120 пг/мл гача ўзгариб турган. Операциядан кейинги даврда биз асосий гуруҳда уларнинг секрецияси деярли 3 марта, таққослаш гуруҳида 1,2 марта камайганлигини аниқладик.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги эстрадиолнинг кўрсаткичи $36 \pm 7,1$ пг/мл ни, таққослаш гуруҳида эса $82,4 \pm 17,2$ пг/мл ни ташкил этди ($p < 0,01$). Гормонал профил кўрсаткичларини таққослаганда, гипофиз гормонлари (ФСГ ва ЛГ) операциядан кейин кўпайишга кўпроқ мойил бўлиб, асосий гуруҳ аёлларининг қон зардобидида ФСГнинг ўртача концентрацияси $13,3 \pm 0,96$ мМЕ/мл, таққослаш гуруҳида $5,5 \pm 0,5$ мМЕ/мл, ЛГнинг ўртача концентрацияси гуруҳлар бўйича мос равишда $12,4 \pm 1,1$ мМЕ/мл ва $6,1 \pm 0,84$ мМЕ/мл ни ташкил қилади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, гистерэктомиядан сўнг аёлларда эстрадиол даражаси 2,9 баравар, бачадони сақланиб қолган беморларида эса 1,2 бараварга камайганлиги аниқланган. Асосий гуруҳдаги аёлларда операциядан кейин эстрадиолнинг миқдори $36 \pm 7,1$ пг/мл ни, таққослаш гуруҳида $82,4 \pm 17,2$ пг/мл ни ташкил этди. Текширишларимизда тухумдонларнинг гормон ишлаб чиқарувчи функциясида вақтинчалик ўзгаришлар билан бир қаторда, АМГ миқдорининг сезиларли даражада пасайишини ҳам аниқладик. АМГ даражасининг пасайиши тухумдондаги фолликулалар сонининг камайишига мос келади. Тухумдонларнинг ҳолатини батафсил ўрганиш натижасида уларнинг тузилиши ва фаолияти тикланиши йил давомида аста-секин содир бўлишини аниқладик.

Натижалар шуни кўрсатдики, 1- ва 2-гуруҳлардаги аёлларда ўтказилган таҳлилларда ФСГ ва ЛГ миқдори деярли бир хил бўлган, аммо шуни таъкидлаш керакки, репродуктив органи сақланиб қолган аёлларда фолликуляр, лютеал фазада эстрадиол миқдорининг пасайиши ва организмда менструал-овариал функциянинг бузилиш белгилари борлиги, менструал-овариал циклнинг иккинчи босқичида эса прогестероннинг биров пасайиши кузатилган.

Тахминларга кўра, эстрогенлар миқдорининг пасайиши майда артериоллар тонусининг ошиши ва қон оқимининг ёмонлашишига олиб келади ва, шу тариқа, патологик ҳалқа ҳосил бўлади. Жарроҳлик аралашуви натижасида вужудга келган жароҳат, тўқима шиши тухумдоннинг қон билан таъминланишининг ёмонлашишига ва стероидогенезнинг пасайишига олиб келади, эстрадиолнинг паст даражаси эса, ўз навбатида, микроваскуляр томирларда тонуснинг ошишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг «**Массив акушерлик қон кетган беморларнинг ҳаёт сифати ва реабилитация муаммолари**» деб номланган бешинчи бобида беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш ва реабилитация муаммоларини аниқлаш мақсадида Вейн-САН сўровномаси асосида асаб тизимининг фаолияти текширилди. Сўровномада ҳиссиёт-фаоллик-кайфият кўрсаткичлари куйидагича баҳоланади: балларнинг минимал чегараси 10, максимал кўрсаткичи 70 баллни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткичлар 2-қиёсий гуруҳдаги аёлларда операциядан кейин (1-кун): фаоллик – $57,2 \pm 2,6$ балл, кайфият – $58,3 \pm 1,5$ балл; ҳиссиёт – $47,4 \pm 2,2$ баллни, шунга мос равишда асосий гуруҳдаги аёлларда бу кўрсаткичлар $22,3 \pm 1,3$, $44,7 \pm 3,2$ ва $24,6 \pm 2,5$ баллни ташкил қилган.

Биз таклиф қилган реабилитацион даво чораларидан сўнг 3 ойдан 6 ойгача бўлган даврда иккала гуруҳда ҳам ижобий натижалар қайд этилди: 2-қиёсий гуруҳда: кайфият – $64,2 \pm 1,5$ балл, ҳиссиёт – $61,5 \pm 2,6$ балл, фаоллик – $66,2 \pm 2,5$ балл, шу кўрсаткичларга мос равишда асосий гуруҳдаги натижалар $49,8 \pm 2,1$, $49,3 \pm 2,2$, $52,6 \pm 3,1$ баллни ташкил қилган. Аёлларнинг 1-гуруҳида операциядан кейинги биринчи кунда 10 баллдан кам ҳолатлар 53 (53%), енгил даражадаги ўзгаришлар – 37 (37%), ўртача даража – 15 (15%) нафар беморда кузатилди, шуларга мос равишда қон кетишидан кейинги узоқ муддатларда бу кўрсаткичлар шу гуруҳдаги аёлларда 64,8%, 25,6% ва 14,9% ни ташкил қилган. 2-гуруҳдаги аёлларда операциядан кейинги биринчи кунда 72 (72%) нафар аёлда 10 баллдан кам, енгил даражадаги ўзгаришлар – 22 (22%), ўртача даражадаги ўзгаришлар – 8 (8%), шуларга мос равишда қон кетишидан кейинги узоқ муддатларда бу кўрсаткичлар шу гуруҳдаги аёлларда – 85,3%, 16,2% ва 4,1% ни ташкил қилган.

Шундай қилиб, 2-қиёсий гуруҳдаги аёлларда туғруқдан кейинги узоқ муддатли даврда 10 дан 15 гача ва 16 дан 19 баллгача бўлган депрессив ҳолатнинг мавжудлиги асосий аёллар гуруҳига қараганда 2,7 марта кам кузатилди. Анъанавий даволаш ва реабилитация тадбирларидан фойдаланиш туғруқдан кейин массив қон кетиши кузатилган аёлларнинг ҳаёт сифатини 16,5 фоизга яхшилади. Орган сақловчи жарроҳлик аралашувларидан сўнг биз томонимиздан тавсия этилган реабилитация терапиясидан кенг фойдаланиш ушбу кўрсаткични 73,4% га оширишга имкон беради. Иккала гуруҳда ҳам асаб таранглик ҳолати кузатилди ва 1–2-гуруҳларда бу натижалар мос равишда $2,23 \pm 0,5$ ва $2,57 \pm 0,5$ баллни ташкил этди.

9 блокдан иборат MOS SF-36 сўровномаси ёрдамида массив қон кетиши кузатилган аёлларнинг ҳаёт кўрсаткичлари баҳоланди. 1-гуруҳ беморларида тез-тез асабийлашиш ва, натижада, шу даражада депрессив ҳолатга тушиш, барча ҳаракатларга қарамай, ҳеч нарса беморни тинчлантира олмаслиги кузатилган. Ушбу кўрсаткич 1-гуруҳда – $3,26 \pm 0,5$ ва 2-гуруҳда – $2,05 \pm 0,32$ ни ташкил қилди. 1-гуруҳдаги аёллар 2-гуруҳдаги аёлларга қараганда кўпроқ қайғули бўлган (баллар мос равишда – $2,96 \pm 0,32$ ва $1,71 \pm 0,3$, $p < 0,05$). 3- ва 2-гуруҳ респондентларида бахтлилик кўрсаткичлари бир-бирига ўхшаш бўлган ($1,1 \pm 0,41$ балл, $p > 0,05$). Кўпинча, массив қон кетиши кузатилган 19 ёшдан 25 ёшгача бўлган аёлларда жинсий ҳаётни рад этиш ва жинсий фаолликнинг сезиларли пасайиши кузатилган. Катта ёшдаги гуруҳлар билан таққослаганда

уларнинг 77 фоизи жинсий фаол бўлган, ёш аёллар гуруҳининг атиги 50 фоизи фаол жинсий ҳаёт кечиришган.

Биз таклиф қилган реабилитация терапияси амалга оширилгандан сўнг ўз-ўзини англаш натижалари сезиларли даражада ўзгарди, ташқи кўринишдан қониқиш ва ўз терисини визуал идрок қилиш нормаллашди ($1,8 \pm 0,34$); ўздан қоникмаслик кўрсаткичлари пасайди ($1,57 \pm 0,32$ балл) ва ташқи кўринишдаги ўзгаришлар камроқ безовта қиладиган бўлди ($1,75 \pm 0,34$), азоб-укубатли кайфият ($1,3 \pm 0,23$) камроқ аниқланди, бошқаларнинг у ҳақидаги фикрлари уни камроқ безовта қила бошлади ($1,6 \pm 0,39$).

Биз реабилитация чораларини таклиф қилишимиздан олдин ва даволаниш дастуридан кейин олинган натижалар шуни кўрсатдики, умумий балл $2,4 \pm 0,12$ дан $1,60 \pm 0,19$ баллгача ўзгарган. Тушкунлик кайфиятидаги ҳолатлар, реабилитация дастуридан олдин ва кейинги индивидуал параметрлар анча яхшиланди. Кўплаб аёлларда даво чоралари қўлланмасдан олдин асабий таранглик – $2,38 \pm 0,18$, қайғу, руҳий тушкунлик – $2,98 \pm 0,23$, умидсизлик ва тушкунлик ҳисси – $3,45 \pm 0,25$, тинчлик ва осойишталик ҳисси – $3,85 \pm 0,19$, шунингдек, бахтлилик ҳисси – $1,14 \pm 0,25$ ни ташкил қилган эди.

Даволаш дастурининг охирида асабий таранглик ($2,12 \pm 0,23$ балл), тушкунлик ва қайғу ҳисси (мос равишда $1,57 \pm 0,42$ ва $1,2 \pm 0,23$ балл) камайди. Биз тавсия этган реабилитация терапиясидан сўнг беморлар ўзларини тинчроқ ва хотиржам ҳис қила бошладилар ва кўрсаткичлар $2,09 \pm 0,23$ баллни ташкил этди, аммо ўтган ой (даволаниш даври)да улар қанчалик тез-тез ўзларини бахтли ҳис қилишгани ҳақидаги саволга ижобий жавоб беришди ва бу $2,12 \pm 0,23$ ни ташкил этди (даволашдан олдин бу кўрсаткич $1,14 \pm 0,25$ ни ташкил қилган эди).

